



ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 10 сентябр, сешанба №146 (1363)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбек ва қозоқ халқларини азалий дўстлик, биродарлик ришталари бирлаштириб туради. Тили, дини, маданияти ва ўтмиши бир бўлган икки қардош халқнинг истиқболдаги мақсадлари ҳам муштараклиги эса муҳим аҳамият касб этади.

Ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, фойдаланилмаётган иқтисодий имкониятлар кулфини очиш, икки қўшни мамлакат давлат чегараларининг делимитациясини ниҳоясига етказишни Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатларидаги долзарб масалалардан, дейиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 9 сентябр куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан ушбу мамлакатда меҳмон бўлди. Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Остона аэропортида юксак мартабали меҳмонни Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев кутиб олди.

Қозоғистон Республикаси Президентининг саройида дастлаб Ислам Каримов ва Нурсултон Назарбоев якка-якка суҳбатлашди. Шундан сўнг музокара-лар кенгайтирилган таркибда давом эттирилди. Томонлар ижтимоий-

сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, янги поғонага кўтариш масалалари юзасидан фикр алмашди. Хусусан, ўзаро маданият кунларини ўтказишга келишиб олинди. Музокара-ларда, шунингдек, иқтисодий жабҳадаги ҳамкорликни кучайтириш, икки мамлакат ўртасидаги то-вар айирбошлаш ҳажмини ошириш чора-тадбир-лари ҳақида сўз борди. Маълумотларга қараган-да, 2002 йилнинг бирин-чи ярмида бу кўрсаткич 124 миллион АҚШ долларини ташкил қилган.

Ўзбекистон раҳбари икки давлатнинг бу соҳа-даги имкониятларини «ягона локомотивга бир-лаштириш» таклифини илгари сурди. Ушбу так-лиф Қозоғистон томони-дан қўллаб-қувватланди. Қўнғирот-Бейнов-Оқтов автомобил йўлининг қури-лиши қардош халқларнинг узогини яқин қилиш би-лан бирга, экспорт-им-порт имкониятларини кенгайтириши алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон раҳбари ил-гари сурган ва жаҳон ҳам-жамияти томонидан қизгин қўллаб-қувватланган Мар-казий Осиёда ядро қуро-лидан холи зона яратиш борасидаги ташаббус, эко-логик муаммоларнинг ол-дини олиш, бу масалалар-га бағишланган анжуман-ни Семипалатинск шаҳри-да ўтказиш мақсадага му-вофиқ эканлиги айтиб



ўтилди. Зеро, эски тузум даврида шу ҳудудда ядро-вий синовлар ўтказилган эди. Унинг асоратлари ҳамон сезилади.

Ўзбекистон ва Қозоғис-тон давлат чегаралари-нинг узунлиги 2440 кило-метрга етади. Бундан ўн ой аввал давлат чегара-ларини делимитация қилиш бўйича келишиб олинган эди. Қисқа фу-рсат ичида йирик ҳажмда-ги иш бажарилди. Таш-риф давомида президент-лар томонидан имзолан-ган Ўзбекистон Республи-каси билан Қозоғистон

Республикаси ўртасида да 1998 йил 31 октябрда имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартноманинг бажарили-ши ҳақида қўшма декла-рация қабул қилинди.

Ҳужжатларни имзолаш маросими ниҳоясига ет-ган, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот восита-лари ходимлари учун мат-буот анжумани ўтказилди. Ислам Каримов ва Нурсул-тон Назарбоев журналист-ларни қизиқтирган савол-ларга жавоб қайтарди.

Ўзбекистон ва Қозо-ғистон давлат чегарала-рининг делимитацияси

масаласида ҳеч қачон бир тўхтамага кела ол-майди, деб жар солган-лар биз имзолаган ҳуж-жатлар билан танишган, хато қилганларини тушу-ниб етса, ажаб эмас, - деди, жумладан, давлат-тимиз раҳбари.

Ўзбекистон раҳбари Қозоғистон Президенти ҳамроҳлигида Ватан химоячилари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойғида гулчамбар қўйди.

«Байтерек» мажмуи Остона шаҳрининг ўзи-га хос рамзи ҳисоблана-ди. Ислам Каримов ташриф ниҳоясида ана шу иншоотни бориб кўрди. Унинг баландли-ги 97 метр. Бунинг ҳам рамзий маъноси бор. 1997 йили Қозоғистон пойтахти Алматидан Остонага кўчирилган эди. Шу йилнинг 29 августид-а фойдаланишга топ-ширилган «Байтерек»ка давлат раҳбарлари ора-сида биринчи бўлиб Ўзбекистон Президенти қадам қўйди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов-нинг Қозоғистон Рес-публикасида расмий ташрифи ниҳоясига етди. Остона аэропорти-да давлатимиз раҳбари-ни Қозоғистон Президенти Нурсултон Назар-боев кутиб олди.

Озод РАҲАБОВ, ЎЗА махсус мухбири, Тошкент-Остона-Тошкент.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноблари, Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Сизга самимий қутловларимни, шунингдек, бутун ўзбек халқига бахт-саодат, рав-нақ ва муваффақиятлар тилаб билдирган энг эзгу истақларимни йўллаш менга гоят катта мамнуният бахш этади.

«Наркотиклар тарқалиши муаммосига бағишлан-ган халқаро конференция» ўтказилишини қўллаб-қувватлаганингиздан мамнунман. Мамлакатингиз-нинг фаол иштирок этиши ана шу тадбир муваф-фақиятининг гарови бўлади ва мен мамлакатлари-мизнинг тегишли хизматлари унга тайёргарлик кўришда баҳамжихат ҳаракат қилишларини истар-дим.

Мен ҳам ўзимнинг бутун куч-ғайратимни мамла-катларимиз ўртасидаги ҳамкорликни, хусусан халқ-аро терроризм ва наркотикларнинг гайриқонуний айланиши каби миллатлараро кулфатларга қарши курашдаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга сарфлай-ман.

Президент Жаноблари, Сизга бўлган юксак эҳти-ромимни қабул қилгайсиз.

Жак ШИРАК, Франция Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикасининг Миллий куни бай-рам қилиниши муносабати билан Сизга гоят сами-мий қутловлар, сичат-саломатлик ҳамда шахсий ва касбий фаолиятингизда муваффақиятга эришиш ис-тақларини йўллаш, ўзбек халқига эса тинчлик ва омонлик тилаш менга мамнуният бахш этади.

Бизнинг яқинда ўтказиладиган учрашувимиз Ру-миния билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида барча соҳалардаги муносабатларни давлатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлида кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш учун яхши имконият яратиши-га ишончим комил эканлигини изхор этаман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳти-ромимни қабул қилгайсиз.

Ион ИЛИЕСКУ, Руминия Президент

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикасининг Миллий байра-ми муносабати билан Македония Республикаси халқи ва шахсан ўз номидан самимий қутлов-ларимни ҳамда мамлакатингизга равнақ ва Ўзбе-кистон халқига омонлик тилаб билдирган энг эзгу истақларимни изхор этиш мен учун шараф ва мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар бун-дан буён ҳам ўзаро ҳамкорлик ва манфаатдор-лик асосида муваффақиятли ривожланиб, бо-йиб боравереди, деб қатъий ишонч билдири-шимга ижозат бергайсиз.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳти-ромимни қабул қилгайсиз.

Борис ТРАЙКОВСКИЙ, Македония Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислам Абдуғаниевич! Ўзбекистон Республикасининг давлат байрами - Мустақиллик куни муносабати билан самимий қутловлар ва энг эзгу тилақларимни қабул қил-гайсиз!

Давлат мустақиллиги тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг миллий мадани-ятини ривожлантиришда янги босқич бошланиши-га, халқнинг урф-одатлари ва анъаналари қайта тикланишига, янги сиёсий ва иқтисодий йўналиш-лар пайдо бўлишига имкон берди.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасида-ги ҳамжихатлик ва ишонч халқларимиз бахт-сао-дати, бутун дунёда тинчлик ва барқарорлик ман-фаатлари йўлида мустаҳкамланиб боравереди.

Сизга сичат-саломатлик ва масъулиятли лаво-зимингизда янги-янги муваффақиятлар, Ўзбеки-стоннинг дўст халқига эса омонлик ва равнақ ти-лайман.

Эҳтиром ила,

Дмитрий АЯЦКОВ, Саратов области губернатори

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Ташки иқтисодий алоқалар вазириликда Ўзбекистон ва АҚШ ҳукуматлари ўртасида мамлакатимизга умумий қиймати 39,1 миллион долларга тенг бўлган жами 90 минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ажратиш тўғрисидаги битимни имзолаш маро-симини бўлиб ўтди. Ҳужжатга ташқи иқтисодий алоқалар вазири Элёр Ғаниев ҳамда АҚШнинг Ўзбекистондаги Факултетада ва мухтор элчиси Жон Хёрбот имзо чекиди.

АҚШ ҳукуматининг Section 416 (b) дас-тури доирасида амалга оширилаётган маз-кур лойиҳага кўра, яқин вақт ичида мам-лакатимизга 56 минг тонна соя, 30 минг тонна бўғдой ҳамда 5 минг тонна қорук сут келтирилади. Соя ва бўғдой чиқ туен-дер усулида сотилади. Тушган маблаг Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган қўшма лойиҳа ва дастурларни ҳаётга та-

биқ этиш, янги дастурлар ишлаб чиқиш, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ мақсадларга сар-фланади. Қорук сут эса мамлакатимизда-ги таълим ва соғлиқни сақлаш муассаса-лари орасида тақсимланади. У 200 минг-дан ортқ кишини сифатли сут маҳсулот-лари билан таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг шу йил март ойида АҚШга буюрган расмий ташрифи давомида им-золанган ҳужжатлар икки томонлама ҳам-корликнинг ҳуқуқий асосини бойитиб, ало-қаларимизни янада кенгайтириш учун яхши замин яратди. Битимни имзолаш ма-росимида Ўзбекистон билан АҚШ ўртаси-даги ҳамкорлик кун сайин ривожланиб бо-раётгани мазкур ташрифнинг самараси экани алоҳида таъкидланди.

(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯПОНИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг июл охирида Японияга расмий ташрифи икки мамлакат муносабатлари тарихидаги жуда му-ҳим воқеа бўлди. Зеро, ушбу ташриф чоғида Ўзбекистон билан Япониянинг стратегик шерик-лиги расмийлаштирилди. Президент Ислам Каримов ва Бош вазир Жунитиро Коидзуми Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнотга имзо чекиди. Ал-батта, ўзаро муносабатларимизни унганча ҳам стратегик ҳамкор мамлакатлар ўртасидаги ало-қаларга тенглаш мумкин эди. Лекин мазкур ҳуж-жат ана шу юксак даражадаги алоқаларни тас-

кўргазмаси эса бир ой давом этади. 4-11 ок-тябр кунлари Тошкентда, 18-20 октябр кунлари Самарқандда Япон киноси фестивали бўлади. Ҳам катта, ҳам кичик ҳузур олиши учун баъдий ва мультфильмларнинг энг саралари танлаб олин-ган. Айни пайтда фақат япон киносини намой-иш қилиш эмас, замонавий Япониянинг ҳаёти, ютуқларию муаммолари ҳақида ёрқин тасаввур уйғотиш ҳам мақсад қилинган.

Булар қаторида мамлакатимизнинг кунда-лик ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи «Танишинг - Япония» фотокургазмаси ўтказилади, - деб га-пида давом этади Сачиё хоним. - Бизда кўғир-када

чоқ шунчаки ўйинчоқ эмас, одамларга бахт кел-тирадиган, балони қайтардиган тилсим, маъ-навий камолот ва руҳий лаззатни идорқ этишга ёрдам берадиган восита ҳисобланади. Шу са-бабли янги ният билан амалий санъатнинг гойа ноёб туридан намуналар - япон кўғирчоқлари кўргазмасини ҳам уюштирамиз.

Оригами машқларини эса таништиришнинг ҳолати бўлмас керак. Қоғоздан турли шакл-лар ясаш санъатида бутун дунёда катта ки-чикинг қизиқиши жуда кучли, десам муболага бўлмайди. Айниқса, қоғоздан ясалган турна кўпчилики яхши таниш. Турна бизда умид рам-зидир.

Яна бир қизиқ тадбир Япония ҳақидаги маъ-рузалардир. Мамлакатимизга бориб келган юрт-дошларингиз ўз таассуротлари билан ўртоқла-шади.

Амалий санъат музейида бўлажак чилрама-лар кўргазмасини алоҳида таъкидлашни истар-дим. Чилрамалар - машур меъморий, тарихий, маданий обидаларнинг анча кичрайтирилган, лекин шаклу шамойили аслидан фарқ қилмай-диган нусхаларидир. Киши катта-катта сарой-лар, ибодатхоналарнинг ўзини кўргандай бўла-ди.

Булардан ташқари, Инсон имкониятларини ривожлантириш Ўзбекистон-Япония маркази то-монидан қарама-қарши учун қўшиқларни куйлаш, япон таомларини тайёрлаш машқлари, чойхўрлик маросими ўтказилади. Шунингдек, Токио шаҳридан келган юртдошларимиз билан учрашув ташкил қилинади. Унда икки мамла-катнинг оддий фуқаролари бирлигида қўшиқ-лар, рақслар ижро этади, миллий таомлар пи-ширади.

Марказ уюштирадиган тадбирлар анчагина. Япония фуқаролари учун «Ўзбекистонни била-сизми?» руқнида танлов-викторина, китоб яр-маркаси, Япония тарихига бағишланган анжу-манлар, оригами машқлари ўтказилади. «Абу-у-лажон» фильми намойиш этилади.

Япония маданият кунларини ташкил этишда Ўзбекистон ҳукумати бизни ҳам томонлама қўллаб-қувватлаётганини алоҳида таъкидламоқ-чиман. Самимият ва эҳтиром билан йўрилган муносабатларимиз келгусида ривожланавери-шига шўба йўқ.

ЎЗА мухбири Анвар БОБОЕВ суҳбатлашди.

ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ - ИНСОНИАТНИНГ ОМОН ҚОЛИШ ЙЎЛИ

«1999, 2000 ва 2001 йилларнинг ёз фаслида Афғонистон ҳудудида уя қуриб олган террорчи тўдаларнинг чегараларимиздан бостириб кириб, бизни азиз фарзандларимиз — ҳаётга эندигина қадам қўяётган ҳарбий аскарлардан жудо қилиб, оналар юрагини дарду аламга тўлдирганини, Ўзбекистоннинг озодлиги ва тинчлигига қарши ташкил қилинган хуруж ва ҳаракатларни болшимиздан кечирганимизни ҳам биз ҳеч қачон унут-маслигимиз ва бундан тегишли сабоқлар чиқаришимиз зарур».

(Президентимизнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасидан),

Халқаро майдонга илдирилган ёйилган терроризм ва экстре-лизм янги аср бошида, яъни 2001 йил 11 сентябр куни ўзининг ёвуз қиёфасини яна бир бор намойиш этди. Утган бир йиллик давр тер-роризм бир халқ, бир мамлакат, бир ҳудуд муаммоси эмаслигини тақроран исботлади. Халқаро терроризм умумжаҳон розолатига айланди ва бугун ҳам унинг қонли панжаси тинчликка, эзгуликка, умуман дунё тараққиё-тига хавф солмоқда. Терроризм, диний экстремизм, уюшган жино-

ятчилик, наркотик мод-далар билан ноқонуний савдо қилиш қўллаб дав-латлар ривожига ва ай-ниқса, минтақалар бар-қарорлигига таҳдид қилляпти.

Дунё миқёсида терро-ризмнинг ашаддийлашиб бораётгани фақат бугун маълум бўлган ҳақиқат эмас. Бу қора куч тарих сўмоқларида пайдо бўлибдики, доимо равнақ ривожга, тараққиётга қар-ши курашиб келган. У баъзан дин ниқобида, баъзан сиёсат либосида, баъзан эса тўғридан-тўғри разилик кўринишларида амал қилиб келган.

рихга айланади. Аммо, бу машъум террорчилик ху-ружи сабоқлари бугун ҳам ҳаммамизнинг огоҳ-лигимиз, ҳушёрлигимиз, доимо сергак бўлиши-мизни имтиҳон қилиб ту-ради. Дарҳақиқат, халқ-аро терроризмга қарши ялли кураш бошланган бўлса-да, ҳали манфур кучларнинг илдизи бата-мом қуритилганича йўқ, унинг асосий манбалари, молиявий таянчи ва ҳатто вайронкор, бузғун-чи мафқураси тугаб-бит-ганлиги ҳақида гапириш-га эрта. Қуни-кеча Қан-дахорда Афғонистон ра-ҳбари Ҳамид Карзайга қарши уюштирилган ху-

руж ҳам бу фикримизни тасдиқлаб турибди.

Бундай қора ниятлар-ни амалга оширишга уринаётган террорчи тўдалар ва диний экстремистик ҳаракатлар ор-тида қандай қабих сиё-сий кучлар ҳамда мар-казлар тургани, улар бу қабих мақсадлар учун катта маблағлар ажрата-ётгани, махсус кўпуров-чилик ва террорчилик лагерларида жангари-ларни тайёрлаётгани бугун барчамизга аён.

Орадан ўтган бир йил-лик давр дунё халқлари, шу жумладан Ўзбекистон халқларининг бардоши-ни, иродасини ва энг му-ҳими, эртанги кунга қатъий ишончини синов-дан ўтказди. Бу эса ўзбек халқининг жасур-лиги, мардлиги, миллий руҳи тетиклигидан доло-латдир. Чунки, Ўзбеки-стон терроризм балосига таг-туғи билан барҳам берилиши тарафдори-дир. Шунинг учун ҳам

Юртбошимиз Ўзбеки-стон миллий ахборот агентлиги мухбири би-лан суҳбатда «Тинчлик-уринаётган террорчи тўдалар ва диний экстремистик ҳаракатлар ор-тида қандай қабих сиё-сий кучлар ҳамда мар-казлар тургани, улар бу қабих мақсадлар учун катта маблағлар ажрата-ётгани, махсус кўпуров-чилик ва террорчилик лагерларида жангари-ларни тайёрлаётгани бугун барчамизга аён. Орадан ўтган бир йил-лик давр дунё халқлари, шу жумладан Ўзбекистон халқларининг бардоши-ни, иродасини ва энг му-ҳими, эртанги кунга қатъий ишончини синов-дан ўтказди. Бу эса ўзбек халқининг жасур-лиги, мардлиги, миллий руҳи тетиклигидан доло-латдир. Чунки, Ўзбеки-стон терроризм балосига таг-туғи билан барҳам берилиши тарафдори-дир. Шунинг учун ҳам

(Давоми 2-бетда).

Қатагон қурбони - Халқ

ЗИЁРАТ ОДОБИ

Бу дунёнинг зийнатлари кўп. Қора тун бағридан тонглар оқарганидек, саховат рамзи Кўёш барча яхши-ёмонга бирдек нур сочганидек, эл-юрт манфаати, миллат шаъни, гурури, келажак авлод баркамоллиги йўлида қилинган улғу, савоб ишлар эзгулик рамзи сифатида мангу яшай-веради.

Президентимиз ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида бунёд этилган «Шаҳидлар хиёбони»га ташриф буюрган ҳар бир кишининг хаёлидан шундай сўзлар ўтиши табиий. Негаки, бир вақтлар не-не умри азизларнинг арвоҳлари чирқирган Бўзсув ёқасидаги жарликлар бугун ажиб манзара касб этган, таниб бўлмас даражада ороланган. Буралиб оқаётган Бўзсувнинг икки соҳили кенг ва ям-яшил сайхонлик. Яшил либосга бурканган дарахтлар қаршидада улғувор кошона. Унинг юқорисидоғи саккиз устунли нилйи гумбаз, текис ва бежирим йўлақлар, улар четида дид билан эскилган анвоий гуллар, фавворалардан отилаётган кумуш томчилар ҳатто, эсаётган майин шабада киши кўнглида маҳзун туйғулар уйғоти, қалбада буюк аждодлар хотираси бош кўтарари. Зиёратгоҳда мунгли сукунат ҳукмрон. Ҳа, бу муқаддас жойнинг маънос руҳи бор. Хиёбонга келадиган зиёратчиларни буюк бир дард - ноҳақ қурбон бўлганлар хотирасига эҳтиром бўлштириб туради.

Шаҳид кетган аждодларимиз хотирасига эъзоз ва ҳурмат маъносиде барпо этилган ўн етти гектарлик ёдгорлик хиёбонининг айнан шу ерда барпо этилишининг рамзий маъноси бор. Утмишда Алваста кўприк номини олган бу хилватгоҳ кўп муҳиш воқеаларнинг гувоҳи бўлган. Бу ерда юзлаб, минглаб миллатпарвар, ватанпарвар аждодларимиз минг азобу уқубатда ўлдирилган. Бу ҳақда Президентимиз шундай деган эдилар:

«Зулм ва зўравонликка қурилган мустабида, бешафқат тузум даврида ўзлигини, миллат қадр-қимматини теран англаган, ижтимоий-сиёсий онги оғсак, халқни уйғотишга ва бошқаришга қодир бўлган, маърифат ва маънавият йўлида фидойилик кўрсатган кўлаб ақлзаковат соҳибларининг жасадлари мана шу тепалик ва жарликларда ном-нишонсиз қолиб кетган».

Миллатимиз фидойиларига аталган бу манзил шу сабабдан биз учун, авлодларимиз учун муборак зиёратгоҳдир. Унга қадам қўйган ҳар бир кишининг қалбиде тарихий хотира уйғонади. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка қорлайди. Ёдгорликларнинг бебаҳо бир

хусусияти борки, у инсонга ўзлигидан сабоқ беради. Донолар айтганидек, биз тарихни қанчалик яхши билсак, келажак сари ҳаракатимиз шунча дадил ва залворли бўлади.

Халқимиз озодликнинг ойдин йўлига осонликча етиб келмаган. Бу йўлда қанчадан-қанча қонлар тўкилган, элпарвар, бағри кенг, саховатпеша боболаримиз номига «босмачи», «босқинчи», «халқ душмани», «қулоқ» каби тавқи лаънатлар осилган. «Шаҳидлар хотираси»га барпо этилган музейда халқимизнинг улғу истиклолга интилиши ёрқин акс этган. Бу фожеалардан республикамиздаги кўплаб хонадонлар озор чеккан. Зиёратгоҳга ички бир интиқлик, эҳтиром билан оқиб келадиганлардан кимнингдир отаси, кимнингдир бобоси машъум қатагон қурбони бўлган. Ҳатто уларнинг хоки қолган ер ҳам шу пайтгача сирлиликча қолган эди. «Шаҳидлар хотираси»га атаб бунёд этилган зиёратгоҳ ана шу армонларга малҳам бўлиб, миллий озодлик йўлида жон фидо этганлар руҳини шод айлади.

Қатагон қурбонларини ёд этиш фақат хотира маросими бўлиб қолмасдан, балки жамиятда қарор топаётган юксак инсонийлик ифодасидир. Ҳа, ёдгорлик мажмуи муқаддас зиёратгоҳ! Бу ерга келган одам шаҳидлар номини ёдга олиб, улар руҳига ҳурмат бажо келтириб, хотиралари олдиде бош эгиб, бугунги дорилмомон кунлар осонликча қўлга киритилмаганини чуқур англамоғи керак.

Муқаддас китобимиз — Қуръони Каримда «Ҳар бир жонзот ўлим шарбатини тотғувчидир» деган оят бор. Шу ояти карим ҳар бир инсон бу дунёда боқий эмаслигидан далоят бериб турибди. Унинг мағзини чаққан, маъносини чуқур англаётган инсон нотўғри хати-ҳаракатлардан ўзини тияди, ўткинчи ҳою-ҳавасларга берилмасдан бу дунёда манфаатли, савобли ишларни қилишга бел боғлайди.

Муборак ҳадиси шарифда «Дунёдан ўтиб кетганларнинг яхшиликларини кўпроқ эсланлар», деган қимматли фикр бор. Яна бир ҳадисда айтилишича-майтининг ортидан уч нарса бола-чақаси, молу дунёси, бу дунёда қилган амаллари қабристонгача унга эргашиб боради. Дафн маросимидан кейин эса бола-чақаси, мол-дунёси орқага қайтиб кетади, фақат қилган амалларигина ўзига ҳамроҳ бўлиб қолади. Бунда ўзлимиздан ёдгор, ибрат бўлиб қоладиган ишларни амалга оширишга ошиқнинг деган, ишора бор.

Ҳеч ким ўлимга чап беролмайди. Лекин одамлар ўзла-

рининг буюк ишлари билан ўзларига шундай ҳайкал қўядиларки, бу ҳайкал дунё тургунча туради. Дунёдаги барча неъматлардан фақат яхши ном қолади, деб қулоғимизга қўяди Шайх Саъдий.

Кимки буюк мақсадлари хизмат қилса, бошқаларни ўйлаб иш тутса, бутун ҳаётини халқ ва Ватан бахт-саодати учун бахшида этган бўлса, унинг ҳаёти тарихда қолиши муқаррар. Тарихимизда бундай фидойий инсонлар кўп бўлган. Уларнинг ҳар бири фахримиз, гуруримиздир!

Зиёратгоҳлар анвоий гуллар, дов-дархатлар ила кўккаламзор қилинган бўлади. Доимо сулуриб сидирилиб, озода сақланади.

Зиёрат тартиб-қоидаларига кўра ҳар бир инсон бу масканда ўзини камтар тутиб, дунё ташвишларидан холи бўлиб қадам қўяди. Зиёратгоҳга яқинлашганда азизу мукаррам инсонлар порлоқ хотираси олдиде таъзим бажо айлайди, уларнинг ҳақларига Қуръон тиловат қилади...

Зиёратгоҳдаги ҳар бир майса майитлар ҳаққи ила истиғфор талаб қилиб турар экан. Шу боис гул ва майсаларни босиш, юлиб олиш асло мумкин эмас. Аждодлар руҳи кўним топган бу муқаддас жойда овозни баландлатиб гаплашиш, ўринсиз қилиқлар қилиш ноҳижидир.

Айрим бақчага кийинган, енгил табиатлилар ҳис-туйғуларини ошқор этиб, кўнглиларни хушлаган ишларни қилишлари бағоят ажабланарли иш, гуноҳи азимдир. Яхшиси бундайлар бу ерга келмасин!

Зиёратгоҳ инсонга ҳаётнинг маъносини чуқурроқ англаб етишга, умрни сарҳисоб қилишга, маънавий қамолот сари яна бир қадам қўйишга ундайди, руҳлантиради.

Қозғоғистонлик бовуригимиз Кенасбой Пармонқулов мустақиллигимиз байрами арафасида Тошкентга келиб шаҳидлар хиёбонини зиёрат қилди. Хайратланиб: «Менинг раҳматлик отам ҳам қатагон қилинганлардан бири эди. Рамзий қабр остида отам ҳам ётгандай бўлиб туюлади менга. Шунча йиллардан буён кўнглим гаш, безовта эди.

Ўзбекистон халқи, Президентининг қутлуг савобли ишлари қалбимизга малҳам бўлди! Она заминда мангу кўним топган аждодларимиз руҳи эзгу-ниятларимиз рўёбга чиқишида, олдимизда турган улғувор вазибаларни амалга оширишимизда бизга ҳамisha мадақкордир.

Мирза Анвар КРИМОВ, Амина КОДИРОВА.



Ангор туманидаги маиший хизмат касб-хунар коллежи юртимиз мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида ўзининг илк талабаларини қабул қилиб олди.

Ушбу билим маскани 900 талабага мўлжалланган бўлиб, бу ерда 9 йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади.

Коллежнинг мана шундай кўркам бўлиб қад ростлаши учун 2 миллиард 200 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилди.

Суратларда: тумандаги маиший хизмат касб-хунар коллежи директори Хайдар Тўраев қурувчи Абдусаттор Чориев, бўлим

бошлиғи Хусан Насимов ва виллоят коллежлар бошқармаси бошлиғининг муовини Мусурмонкул Маматалиев билан; янги касб-хунар коллежининг умумий кўри-ниши.

И.ХУҲАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили Давлат дастури тўғрисида»ги қарориде кекса авлод вакилларининг соғлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

овқат махсулотлари ва кир ювиш воситалари овул фуқаролар йиғинларини таъминлашнинг асосий қисми бўлиб қарилмоқда. Ёрдамга муҳтож 1176 нафар ёл-

ОРОЛБЎЙИ ЁШУЛЛИЛАРИ

ХУКУМАТИМИЗ МАДАДИНИ ЧУҚУР ҲИС ЭТИБ ЯШАШМОҚДА

Оролбўйида ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаётган, миллий қадриятлар ва урф-одатларимизни улғулашга ўргатаётган отахон онахонлар кўп. Катта йўлни босиб ўтган Исоқ ота Олмамбетов ва Сейтжон бобо Реймберганаев, Саъдулла ота Ура-зимбетовлар ана шундай пири-бадавлат инсонлардан.

Қариси бор уйда тоғулик ва ҳамжихатлик бўлади. Хўжайли шахрида яшаб, кексалик гаштини сураётган бу ёшулликлар меҳнат жамоаларида бўлиб ёшлар тарбияси хусусида суҳбатлар уюштиришмоқдалар.

— Амурдаё сувининг Мўйноққа етиб келиши, Навоий- Учқудук- Султон Увайтосиф - Нукус темир йўлининг қуриб битказилиши улкан ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган тарихий воқеадир, - дейди биз билан суҳбатда уруш ногирони Саъдулла ота Ура-зимбетов. - Мамлакатимиз Президентини ва ҳукумати Оролбўйи фуқароларининг турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида доимий меҳрибонлик кўрсатмоқда.

«Нуроний» жамғармаси Қораканлигонистон республикаси бўлимининг раиси Ж.Мунтазимовнинг таъкидлашича, кекса авлод вакиллари меҳр-муруват билан қўршаб олинган. Бугунги кунда 182 минг 145 нафар фуқаро пенсия ва ижтимоий нафақа олаётган. Уларга ҳар ойда 2,3 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилмоқда. Дастурда белгиланган

тадбирга асосан 22 минг 784 нафар нафақахўрнинг пенсиялари оширилди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва бошқа мута-садди ташкилотлар пенсия хизматини ташкил этиш ва тўловларни вақтида ўтказиш тадбирларини белгилаган. Кексалар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларига барча йўналишларда ёрдам кўрсатилаётган. Қариялар тўлиқ тиббий қўриқдан ўтказилди. Муҳтож пенсионер ва ногиронлар реабилитация воситалари, ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламалари, кўзойнақлар, тиш протезлари билан таъминланган. Мамлакатимизнинг баҳаво жойларидаги сыхатгоҳларга йўланмалар берилаяпти. Хўжайлидаги хотин-қизлар, Чимбойдаги эркаклар муруват уйлари капитал таъмирланиб, моддий техника базаси мустаҳкамланди. Нукусдаги ногиронлар реабилитация маркази ҳузурида протез ортопедия махсулотларини ишлаб чиқарувчи корхона ташкил этилди.

Шу кунга қадар 31 минг 542 нафар қария шифохоналарда даволанди. 400 нафардан ортиғига сыхатгоҳларга йўланмалар, 4700 нафарига 13 миллион сўмлик дори-дармон, 36 нафарига ногиронлар аравачалари берилди. 7127 нафар қарияга хомийлар ҳисобидан умумий нархи 39,1 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ ўзгалар парваршишга муҳтож 1277 нафар ёлғиз кексаларга ҳар ойда 27,3 миллион сўмлик 9 турли озик-

из қария ва ногиронлар аниқланиб, хомийлар бириктирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 1932 нафар уруш қатнашчиларнинг ҳар бирига 9 минг сўмдан жами 17 миллион 388 минг сўм топширилди. Шаҳар, туман ҳокимликлари, йирик корхона ва ташкилотларнинг раҳбар ходимлари, шифокорлар, уйда бетоб ётган 172 нафар кексанинг холидан хабар олиб, уларга тиббий ва муруват ёрдами кўрсатилди.

Республика меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигидан билдирилшича, нафақахўрлар ва фахрийларнинг турмуш тарзини яхшилашга қаратилган аниқ тадбирлар амалга ошириляпти. Тахиятош ГРЭСига қарашли санаторий, профилаторий қайтадан тамирланиб, уруш ва меҳнат фахрийлари хордиқ чиқарадиган даволаш масканига айлантирилди. Шаҳар ва туман касалхоналарида қариялар учун алоҳида палаталар ажратилиб, қаттиқ, юмшоқ жиҳозлар ва тиббий ускуналар билан таъминланган.

Қариси бор уйнинг париси бор. Қаерда кексалар бўлса, ўша жойда фойзу-баракка бўлади. Зеро, Оролбўйи ёшулликлари ҳукуматиимиз меҳрибонлигини чуқур ҳис этиб яшамоқдалар.

Иzzат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАР ЯРМАРКАСИ

Янги иш ўринлари яратиши, ишсиз фуқароларни иш билан таъминлаш бозор шароитида устувор вазибалардан биридир. Бу борада муайян тажриба тўпланган. Эркин касб танлашда меҳнат бозорларининг аҳамияти катта бўляпти.

Кўриқ Шароф Рашидов туманида илк бор «Бўш иш ўринлари

Ижтимоий ҲИМОЯ

ҳамда вакант лавозимлар» ярмаркаси бўлиб ўтди. Меҳнат бозориде мулкчиликнинг турли шаклларида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар, фирмалар ўз салоҳиятларини намойён этдилар. Эътиборга молик жиҳати шундаки, иш ахтарувчиларга муайян касб-кор этакини тўтиш, танлов асосида иш ўрнига эга бўлиш имкони яратиб берилди.

Сир эмас, саноат корхоналари ҳозирча унча кўп эмас. Туманда аксарият кишилар дала умумишари билан банд бўлиб қолишган. Бирок, мавжуд имкониятдан фойдалана олмай бекорчи бўлиб қолаётганлар ҳам оз эмас. Меҳнат бозориде ана шундайларни фойдала меҳнатга жалб этиш асосий мақсадга айлантирилган. Айниқса, чекка қишлоқ кишилари учун иш ўрни муаммо. Бу масала ечимини топишда тадбиркорлар кўмағи қўл келиши мумкин эди.

— Меҳнат ярмаркасига ўз фаолиятини йўлга қўйган яқка тартибдаги халқ хунармандлари ҳам тақлиф этилди, — дейди Сирдарё вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Кўчкор Ҳасанов. — Мақсад устоз-шоғирд аъналарини қучайтириш, ҳар бир киши эътиборини ишлаб чиқаришга жалб этишга қаратилди. Туманда хунармандчилик ривожланиб бораёпти. Янги кучлар ҳисобига уни янада жонлантиришни мақсад қилиб олганмиз.

Меҳнат бозориде тумандаги 23 та ташкилот корхона иштирок этиб, 161 та бўш иш ўринлари тақлиф этилди. 107 нафар фуқаро рўйхатга олгани, уларнинг 73 нафари шу кун иш билан таъминланди. 15 киши эса касб бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида тахсил оладиган бўлди. 20 киши ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. 50 нафар фуқарога маслаҳатлар берилди.

Туманда янги иш ўринлари яратиш бора-сари тадбиркорлар салмоқли ўрин тутиб келмоқда. Шулардан бири Насиба Умаровадир. Шу кун иш 7 нафар кизни бичиш-тиқиш, зардўзлик, каштачилик сирларини ўргатиш учун шоғирдликка қабул қилди.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ - ИНСОННИЯТНИНГ ОМОН ҚОЛИШ ЙЎЛИ

(Боши 1-бетда)

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бутун дунё ягона мушт бўлиб, биргаликда курашган тадбирдагина халқро терроризм баласига тўсик қўйиш мумкин бўлади. Терроризмга қарши кураш, айниқса, бизнинг мамлакатимиз учун жуда зарур. Бунинг сабаби мустақиллигимиз кўлга киритилган дастлабки вақтдан бошлаб энг катта хавф — бу ён қўшилариимиз бўлган Афғонистон ва Тожикистонда рўй берган қонли воқеалар таъсири бизга ҳам ўтмайди, деган қафолатнинг йўқлиғиде эди.

Шунинг учун ҳам аксилтеррор операциясидаги ўрни жуда ҳусусида Ўзбекистон ўз сиёсатини аниқ баён қилиб берди. Бу Президентимизнинг 2001 йил 5 октябрдаги Баёнотида тўлиқ ифода этилди. Ушбу Баёнотда Ўзбекистон Афғонистондаги террорчи кучларни, уларнинг базаларини тағ-томлари билан йўқотиш, бу хавф-хатарни минтақада бутунлай йўқ қилиш ҳаракатини қўллаб-қувватлашини билдирди. Ана шу ҳужжатда Ўзбекистон Афғонистонга қўшни давлат сифатида, афғон заминиде тинчлик, бунёдкорлик ва бахтли ҳаёт қарор топишдан манфаатдор эканлиги таъкид-

ланди. Ўзбекистон Президенти Баёнотида оғир аҳволда кун келадиган афғон халқига инсонпарварлик ёрдами берилиши айтилган эди. Бу билан Ўзбекистон ўз ниятларимизнинг самимийлигини намойиш этиди. Ҳақиқатан ҳам, Афғонистонда тинчлик ўрнатилишидан манфаатдор мамлакат сифатида Ўзбекистон қўшни давлатга катта ёрдам кўрсатиб келмоқда. Хайратон кўпригининг қайтадан очилиши Афғонистонга инсонпарварлик ёрдамини тезроқ етказиб бериш имконини яратди. Шу йилнинг 31 январиде қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қарориде ҳам афғон заминига юк етказиб беришнинг асосий вазибалари аниқ белгиланди.

Ўзбекистоннинг Афғонистонга ёрдами бекиёс. Бу ҳар томонлама ўз исботини топмоқда. Хусусан, Ҳамид Карзайнинг юртимизга ташрифи чоғиде умумий баҳоси 350 минг АҚШ долларига тенг келадиган йигирмага яқин транспорт воситалари Афғонистонга берилди. Ушбу ташриф чоғиде ўзбек-афғон муносабатларининг аҳволи, уларни ривожлантириш истикболлари, Афғонистондаги

вазиятни барқарорлаштириш, можародан кейинги даврда мамлакатни тиклаш ҳамда бошқа долзарб халқаро ва минтақавий масалалар муҳолима этилди. Ҳамид Карзайнинг Ўзбекистонга ташрифи яқунлари юзасидан қабул қилинган кўшма Баёнотда шундай сўзлар бор: «Ўзбекистон ва Афғонистон келажакда ҳам ўзаро манфаат, тенг ҳуқуқлик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, чегаралар дахлсизлиги, худудий яхлитлик, суверенитет ва мустақиллиқни ҳурмат қилиш йўналишларига асосланган янада яқин ва изчил ҳамкорлик йўлида давом этишга мустаҳкам ишонч билдирдилар».

Халқро терроризмга қарши дунё миқёсиде кенг қўламли кураш олиб боришда давлатлараро муносабатлар катта аҳамият касб этади. Ўзбекистон бу масалада жаҳондаги етук давлатларга, хусусан, АҚШ, Япония ва Европадаги юксак ривожланган мамлакатларга алоҳида эътибор билан ёндошиб келмоқда. Шу йилнинг март ойиде (11-14 март кунлари И.Каримовнинг АҚШга расмий ташрифи бўлди) Кўшма Штатлари билан стратегик шериклик ва ҳамкорлик ҳақида битимга эришган

бўлса, июл охирида «кунчиқар олис ва мафтункор диёр — Япония билан худди шу мақсадга қаратилган ахдномага эришдик. Хўш, бу нимани англатади? Аввало, стратегик шериклик ва ҳамкорлик битими — бу узок муддатли ахднома бўлиб, у ўз ичига ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий режаларни қамраб олган. АҚШ ва Япония билан эришилган ахдномалар, биринчидан, тенг ҳамкорлик белгиси бўлса, иккинчидан, жаҳон тараққиёти муаммоларида мақсадлар муштарак эканлигини ҳам исботламоқда.

Яна бир муҳим ҳолат. Ўзбекистоннинг АҚШ ва Япония билан ўзаро муносабатлари сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга кирганлиги аввало хавфсизлигимизни таъминлаш, минтақамизда тинчлик-осойишталикни юзага келтиришда ҳал қилувчи омиллардан биридир. Масалан, Ўзбекистон учун давлат чегарасини мустаҳкамлаш борасида АҚШ билан ҳамкорликни ривожлантириш гоёт муҳимдир. АҚШ томони ҳам халқро террорчиликдиний экстремизм, уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар, қурол-яроғ ва оммавий қирғин қуроллари таркибий қисмларининг контрабандаси омон

зарб муаммолар эканлигини, уларга қарши курашда Ўзбекистонга ва умуман Марказий Осиёга кўмак бериш, шу орқали дунёда мустаҳкамлаш мумкинлигини эътироф этди.

Яқинда халқро аксилтеррор операцияси бошланганига бир йил ўтди. Бу муддат ичиде халқро коалиция Афғонистонда катта муваффақиятларга эришди. Айни кунларда қўшни юртда давлатчиликни янгидан шакллантириш, халқ хўжалигини тиклаш, мамлакатни тинч ҳаётга қайтариш борасида сезиларли ўзгаришларни кузатиш мумкин. Албатта, бу ҳайрли ўзгаришларда Ўзбекистоннинг халқро аксилтеррор коалициясига кўрсатаётган ёрдами муҳим омил бўлмоқда. Бундай эътироф Ўзбекистон раҳбарининг АҚШ Куролли кучлари Марказий қўмондонлиғи бош қўмондони Томми Франкони қабул қилган чоғиде яна бир бор таъкидланди. Қаранки, бу — генерал Томми Франконинг аксилтеррор ҳаракатлари бошланганидан буён ўтган вақт ичиде тўртинчи бор мамлакатимизга келишидир.

Албатта, 2001 йил 11 сентябр фожеаси ҳақида жуда кўп фикрлар, қарашлар, таҳлилий ёндошувлар баён этил-

ди. Бундай кенг қамровли ёндошув бугун ҳам кузатилмоқда. Эртага ҳам бундан-да чуқурроқ, янада ишончлироқ далиллар асосиде фикрлар айтади. Бирок, кишини кўп жиҳатдан қизиқтирадиган ва айни пайтда чуқур ҳаёлга толгадирадиган бир долзарб масала бор. У ҳам бўлса бир йиллик даврдан сўнг инсоният:

— қай даражада сабоқ олди?!

— оғоҳлик, ҳушёрлик қалблариде мустаҳкам жой олганми?!

— тараққиётимиз кушанда-си бўлган терроризмининг паёини қирқишда ҳар бир инсоннинг иштироки сезилди-ми?!

— 11 сентябрдаги воқеанинг тақдорланмаслиғи учун умуминсоният олдиде қандай вазибалар турибди?!

— она заминимизни келажак авлодга соғ-омон етказиш борасидаги бугунги авлод масъулияти?!

— деган саволларга жавоб топиши лозим.

Ҳа, савол тузиш осон. Ҳамма гап унга жавоб топишдадир.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ, сиёсий шарҳловчи.

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: Республикадаги гиёҳвандликка қарши курашиш тиббиёт муассасаларида ишлаган ходимларга бериладиган йиллик қўшимча таътил тўғрисида тушунтириш беришингизни сўраймиз. Чунки уларга йиллик меҳнат таътилининг умумий миқдорини белгилашда муаммолар келиб чиқмоқда.

Ж.ҚУВОНДИҚОВ, Жиззах вилояти Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшма кўмитасининг раиси.

кейин муассасаларда қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, таътилларнинг муддати белгиланиши Қонунда кўрсатиб ўтилган.

Республикадаги Соғлиқни сақлаш муассасалари иш жойлари хали аттестациядан ўтказилгани йўқ.

ри қабул қилинди ва бу қарорга асосан Соғлиқни сақлаш муассасаларидаги ходимларга иш жойларини аттестациядан ўтказишга қадар олдинги қўшимча таътиллар сақланиб қолганидан бўлди.

Шу сабабли Республикадаги гиёҳвандликка қарши курашиш тиб-

рантдан ташқари - 30;
 — Врач-диетолог, пархез ҳамшираси (диета) - 12;
 — Урта тиббиёт ходими - 30;
 — Архивнинг медрегистратори - 12;
 — Тиббиёт статисти - 12;
 — Лаборант (шу жумладан врач-лаборант ва лаборатория бошлиғи) - 18;
 — Кичик тиббиёт ва хизмат килувчи ходимлар (касалларга хизмат қиладиган кичик ҳамшира (санитарка), буфетчи, официант, ҳаммомчи), -30

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси амалга киритилганига қадар, яъни 1996 йилнинг 1 апрелига қадар меҳнат шартини ноқулай ва ўзига хос ишлар учун алоҳида рўйхат бўйича ходимларга қўшимча таътил берилар эди.

Меҳнат Кодекси амалга киритилганидан кейин Меҳнат шариоити зарарли ишлаб чиқаришлар, цехлар, касблар ва лавозимлар рўйхати ҳамда унга илова қилинадиган йўриқнома юридик кучини йўқотди.

Шу сабабли Меҳнат Кодексининг 137-моддаси талабларига мувофиқ меҳнат шариоити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишларни аниқлашнинг янги тартиби меҳнат шариоитларини баҳолаш ва ҳар бир иш жойини аттестациялаш талаб қилади. Ундан

Шунинг учун 2002 йилнинг 29 мартда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳайъати ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмаси Марказий кўмитаси раёсатининг қўшма мажлисида N-3/11, N-9-5 сон қарор

билан ишлайдиган илмий ходим - 30; Меҳнат Кодексининг 134-моддасига мувофиқ ходимларнинг йиллик асосий таътили ўн беш иш кунини ташкил қилади. Асосий ва қўшимча таътиллар қўшилганда таътилининг умумий миқдори келиб чиқади.

Яна шунинг ҳам эслатиб ўтиш жоизки, Меҳнат Кодексининг 37-моддаси талабларига риоя қилинган ва муассасанинг молиявий имкониятини ҳисобга олган ҳолда жамоа шартномасига яна қўшимча таътиллар бериш масаласи киритилиши мумкин ва барча ҳолларда Меҳнат Кодексининг 140-моддасига биноан таътиллар жаамланганда уларнинг умумий муддати 48 (қирқ саккиз) иш кунидан ошиб кетмаслиги керак.

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

пенсија жамғармасига харажатларни қопловчи пул ўтказадилар. Бундай харажатларни ундиришга алоҳида тартиб назарда тутилган. Ушбу тартиб Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли (15-илова) қароридан тасдиқланган.

Мазкур тартибнинг 1-бўлимида меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллиги оқибатида но-

Саволларингизга ТДЮИ Хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи

кафедраси ўқитувчиси Гулноза САТТОРОВА жавоб беради

САВОЛ: ишда шикастланиш оқибатида ногирон бўлиб қолган ходимга қорхонамиз соғлиққа етказилган зарар учун толов пули тўлайти. Шу билан бирга ногиронлик нафақаси учун ҳам ижтимоий таъминот бўлимига пул ўтказмоқдамиз. Шу тўғрисида?

пенсија жамғармасига харажатларни қопловчи пул ўтказадилар. Бундай харажатларни ундиришга алоҳида тартиб назарда тутилган. Ушбу тартиб Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли (15-илова) қароридан тасдиқланган.

Мазкур тартибнинг 1-бўлимида меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллиги оқибатида но-

Юнусали СУЮНОВ, Поп тумани.

САВОЛ: «Фукороларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 12-модда «в» бандида қишлоқ хўжалик ходимларининг айрим тоифаларига имтиёзли (яъни эркаклар — 55 ёшдан, аёллар — 50 ёшдан) пенсия олиш ҳуқуқи белгиланган. Лекин бундай пенсия олиш учун қонунда маълум шартлар қўйилган. Чунки, тракторчи эркаклар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар, қачонки улар бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда банд бўлсалар, ишга тракторчи-машинист сифатида расмийлаштирилсалар, тегишли гувоҳномага эга бўлсалар ва тўлиқ мавсум давомида деҳқончилик ва чорвачиликнинг қишлоқ хўжалик ишларига тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини (пахта териш машиналарини, дон йиғувчи комбайн ва бошқаларни) бошқариш билан доимо банд бўлсалар. Келтирилган шартларга жавоб бермайдиган фаолият билан шуғулланган шахс эгалари имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини бермайди.

А.Юнусов, Амурдаб тумани.

ЖАВОБ: Меҳнат Кодексининг 189-моддасида иш берувчининг ходим соғлиғига етказилган зарарни тўлаш мажбурияти кўрсатилган. Ушбу моддага кўра ходимнинг соғлиғига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки у ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарарни иш берувчи (яъни ходим ишлаган қорхона) тўлиқ ҳажмда тўлаши шарт.

ШУ ТЎҒРИМИ?

гирон бўлиб қолганларга пенсия тўлашда сарфланадиган харажатларни қоплаш тартиби кўрсатилган. Ушбу бўлимининг 1-бандига мувофиқ мулкчилик ва хўжалик юришти шаклидан қатъий назар қорхоналар ва ташкилотлар қорхонанинг айби билан меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида ногирон бўлиб қолганларга пенсия тўлаш харажатларини қоплаш учун меҳнат ҳақида мўлжалланган маблағлардан бюджетдан ташқари пенсия фондига ҳар ойда пул ўтказадилар.

Б.МИРАБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳри.

САВОЛ: Мустақилликдан илгари муқотланган меҳнат фахрийларига турли хил унвон ва нишон эгаларига қандай имтиёз бора?

Юнусали СУЮНОВ, Поп тумани.

ЖАВОБ: «Фукороларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 12-модда «в» бандида қишлоқ хўжалик ходимларининг айрим тоифаларига имтиёзли (яъни эркаклар — 55 ёшдан, аёллар — 50 ёшдан) пенсия олиш ҳуқуқи белгиланган. Лекин бундай пенсия олиш учун қонунда маълум шартлар қўйилган. Чунки, тракторчи эркаклар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар, қачонки улар бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда банд бўлсалар, ишга тракторчи-машинист сифатида расмийлаштирилсалар, тегишли гувоҳномага эга бўлсалар ва тўлиқ мавсум давомида деҳқончилик ва чорвачиликнинг қишлоқ хўжалик ишларига тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини (пахта териш машиналарини, дон йиғувчи комбайн ва бошқаларни) бошқариш билан доимо банд бўлсалар. Келтирилган шартларга жавоб бермайдиган фаолият билан шуғулланган шахс эгалари имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини бермайди.

Ташқироларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 66-моддасига кўра, тайинланган пенсияларни тўлаш бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Корхоналар ва ташкилотлар қорхонанинг айби билан меҳнатда майибланиш оқибатида ногиронлик учун тайинланган пенсияларни тўлаш учун иш ҳақи тўлашга мўлжалланган маблағлар ҳисобидан бюджетдан ташқари

Ташқироларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 66-моддасига кўра, тайинланган пенсияларни тўлаш бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Корхоналар ва ташкилотлар қорхонанинг айби билан меҳнатда майибланиш оқибатида ногиронлик учун тайинланган пенсияларни тўлаш учун иш ҳақи тўлашга мўлжалланган маблағлар ҳисобидан бюджетдан ташқари

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

2002 йил 11, 18, 25 октябрь кунлари соат 12.00 да Республика Биржа маркази биносига ўтказилган Танлов савдоларига сармоя киритиш шarti билан куйидаги объект қўйилади:

1. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, «Сафдош» кўчаси, 4-уйда жойлашган, Яккасарой тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 427 сонли Болалар боғчаси.
2. Бошланғич баҳоси-11 534,0 минг сўм.

Танлов савдосида Болалар боғчасини сотиб олишнинг шартлари:

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш;
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш;
3. Боғча биноси ва иншоотларини қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш;
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш;
5. Боғча биноси ва иншоотларини қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми;
6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан, болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш;
7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми;

Манзилими: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, Республика Биржа маркази биноси, 3-қават, 44-хона, Республика Кўчмас мулк биржаси.

Маълумот учун телефонлар: 136 26 26, 136 28 75 **Факс:** 136 06 17 **www.uztkmb.com**

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

САЙЛОВЛАР ЯҚИН

Сербия президентлиги сайловларига тайёргарлик қизғин тас олади. Ушбу республиканинг ҳозирги раҳбари Милан Милутинович бўлажак овоз бериш жараёнида фаол иштирок этиш учун сайловчилар билан кўплаб учрашувлар ўтказмоқда. Унинг вазирлиги йил охирида тугаши лозим эди. Бироқ, сайловларнинг 29 сентябрда ўтказилиши бошқа партияларнинг номзодлари - Вук Драшковић, Велимир Илич, Драголюб Мичуновић, Бато Живоновић, Миролуб Лабузларнинг ҳам отини қамчиллашга ундади. Лекин кўпчилик Югославия президенти Воислав Коштуновићнинг галаба қозониши учун имкониятлари кўпроқ, деб ҳисобламоқда.

ДАҲАНАКИ ТОРТИШУВ

Олмония тарихида биринчи марта парламент сайловлари олдидан қанчлар ва бу лавозимга номзод телекўрсатув орқали очик бахslashува ўтказдилар. Бунга қатъий равишда 80 дақиқа вақт ажратилди. Мавзулар сони эса 8 та деб белгиланди. Ҳар бир мавзунинг ёритиш учун нотикда тўқсон сония вақт берилди. Қанчлар ва унинг муҳофизати бир бирига савол бериши мумкин эмас эди.

Қанчлар Герхард Шрёдер ва номзод Эдмунд Штойбер кутилган мавзуларни ёртиш-

ПОРТЛАШДАН КЕЙИН СУЙҚАСД

Ўтган ҳафтанинг охири Афғонистон учун омадсиз келди. Ававало Кобулда - ахборот вазирлиги олдидан катта портлаш рўй берди. Унда 20 киши нобуд бўлди, кўплаб одамлар жароҳат олдилар. Қатор биналарга зарар етказилди.

Бир неча соатдан кейин эса яна бир нохуш воқеа содир этилди. Қандаҳор шаҳрига, уқасининг тўйига келган ўтиш даври ҳукуматининг раиси Ҳамид Карзайга нисбатан суйқасд уюштирилди. Унинг ёнида бўлган шофёр ва шаҳар ҳокими қаттиқ жароҳатландилар. Ҳ.Карзай ва унинг 2 нафар соҳбаси омон қолдилар. Жиноятчи ўша ернинг ўзида отиб ўлдирилди. Бироқ, кейинроқ унинг қимлиги аниқ бўлди. Абдул - Раҳмон деган кимса Афғонистон хавфсизлик хизмати ходими экан.

БИР ФИКРГА КЕЛИШ ҚИЙИН КЕЧМОҚДА

АҚШ ҳарбий-хаво кучларининг Ироққа зарба бериши масаласида бир қарорга келиш қийин кечмоқда. Вице-президент Дик Чейни ва мудоффа вазири Дональд Рамсфелд Богдод-

да бутун санъатларини ишга солдилар. Телебахони кузатган фуқороларнинг фикрига кўра, Г. Шрёдер ютуқни кўлдан бой бермади.

га қарши ҳарбий операция бошлаш керак дедилар. АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл эса Ироққа БМТнинг текширувчи-мутахассисларини юбориш оқилона йўл бўлади деди ва бу масалада Богдодни ёни биланга чақирди.

Бу орада Форс кўрғазидagi араб давлатлари Кенгашига кирувчи мамлакатларнинг ташқи ишлар вазирлари Жидда шаҳрида бўлган учрашувада АҚШ нингига қарши ақалиқларини билдирдилар. Баҳрайн, Катар, Қувейт, Оман, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони сингари давлатларнинг вакиллари муаммони ҳарбий йўл билан ҳал этиш мазкур минтақадаги барқарорликни издан чиқаради деган фикрда турибдилар. Ўз навбатида АҚШ президенти Ж.Буш ўзбу муассалари қарши томонлама ўйлаб қўражаклигини, иттифоқчилари ва давлат конгресси билан маслаҳатлашмажаклигини айтди.

ОСОЙИШТАЛИК ЎРНАТИШ МАҚСАДИДА

Колумбиянинг янги раҳбари Альваро Урибе ўз вазифасини бажаришга киришган биринчи кунлардаёқ мамлакатда осойишталик ўрнатишга ваъда берган эди. Шу мақсадда у тиниб тинимайётган ташкилотлар ва экстремистик руддаги ярим ҳарбий гуруҳлар билан шафқатсиз курашга отланганлигини маълум қилди. Зеро, ана шундай ички тўқнашувлар натижада 38 йил мобайнида юз минглаб беғуноҳ кишилар қурбон бўлдилар. 2 миллиондан ортиқ одам эса бошқа қўшни давлатларда бошлана излаб, сарсон-саргардон бўлиб юрибди. Яқинда президент белгиланган режаларни юзга чиқариш ниятида бутун мамлакат бўйлаб факултатда ҳолат эълон қилди. Мазкур тадбир 270 кун давомида амал қилади.

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА КЎРГАЗМА

Италиянинг Неаполь шаҳрида ҳуқуқ-тартибот идораларининг мафия билан курашишга бағишланган кўргазманинг очилажаклиги эълон қилинди. Унда мафиячиларни сўроқ қилинган пайтдаги баённомалар, улар фойдаланган қурол-яроғлар, газеталарда чоп этилган мақолалар ва фильмлар намойиш этилади. Кўргазмани мафиячиларнинг собик бошлиқларидан биричи қарашли саройда очиб мўлжалланмоқда.

Жамоа шартномаси амалда

ШТАТ ҚИСКАРГАНИДА...

Ахборот узатиш, маълумот алмашиш технологияларини такомиллаштириш тараққийётга юз тутган ҳар қандай давлатнинг муҳим жараёнлари сирасига кирди. Зеро, ҳар қандай соҳада ҳам ишончли ва тезкор маълумотларга асосланган ҳолдагина вазифалар ва режалар йўналишини аниқ белгилаб олиш мумкин бўлади. Шу маънода Президентимизнинг «Компьютерлаштириш янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони ахборотлаштиришнинг миллий тизимлари барпо этилишини, иқтисодиётга ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳаётига компьютер техникаси ва технологиялари оммавий кириб боришда катта аҳмият касб этади. Шунингдек, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Ахборот алмашинуви-нинг энг оммавий воситаларидан бири бўлган телефон алоқаси ходимлари, уларнинг меҳнат шариоитлари ва шунга ўхшаш масалалар «Қорақалпоқ - телеком» ҳиссадорлик жамияти ўз хизмат турларининг сифатини яхшилаш ва кенгайтириш мақсадида тизимга янги технологияларни олиб келмоқда. 2002 йилнинг биринчи ярмида алоқа тармоқларини капитал таъмирлаш учун 61 миллион 200 минг сўм маблағ сарфланган. Бироқ янги технологиялар ўрнатилиши, тизимнинг автоматлаштирилиши бир қанча иш ўринларининг қисқаришига олиб келганлиги ҳам ҳақиқат.

Бир ярим мингга яқин ишчи-хизматчи ишлайдиган жамоада тизим тўлиқ таъмирланганидан кейин ходимлар сони яна қисқариши мумкин. Қисқаришга тушган ходимларнинг ҳаммасиям Сиз айтаётган шариоитларга мослашиб кета олармикан, -деган соволимизга жавоб қуйидагича бўлди:

— Шу йилнинг ўзида 50 та таксафонни фойдаланишга топширдик. Ўзимизда штат қисқариши муносабати билан бўшатишган ходимларнинг кўпчилиги хоҳишига кўра ана шу шохбчаларда банд. Та-сарруфимизда ҳаммаси бўлиб 397 та таксафон нуқталари фаолият кўрсатиб турибди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, қисқаришга тушган ёки тушиши мумкин бўлган ходимларга дебитор қарзларни ундириш, янги шохбчалар очиш билан боғлиқ вазифалар ва шунга ўхшаш ишларга ёрдам беришни таклиф қилиш орқали уларни кўллаб-қувватлаймиз. Тасдиқлаб ўтиш жоизки, янги шариоитларга мослашиш ходимдан ҳаракатчанлик, ўзига оқ ташкилотчилик талаб этади.

Жамоа шартномасида назарда тутилган масалалардан яна бири иш ҳақини ойига икки марта берилишини таъминлаш эди. Бу орада дебитор қарзларининг ундириш ҳисобига ўзларига пул ишлаб олиш имкониятларини яратиб бердик. Уларнинг баъзилари шу ерда ишлаётган ходимлардан ҳам кўпроқ ҳақ олишмоқда. Масалан: бир ойда Сулаймонова деган ходимамиз 250 минг сўм, Сирбоева 300 минг сўм, Нурманова 350 минг сўмгача дебитор қарзларни ундириш эвазига 40-55 минг сўмдан ошиқ пул ишлаб олишди.

Бундан кўз юлмаймиш. Биз бозор иқтисодиёти шариоитида яшаймиз, - дейди жамият раҳбари Ўрозбой Таженов. — Янгича шариоитларга, давр талаби-га мослашиб ишлашимиз зарур. Қисқаришга тушган ходимларимизга дебитор қарзларининг ундириш ҳисобига ўзларига пул ишлаб олиш имкониятларини яратиб бердик. Уларнинг баъзилари шу ерда ишлаётган ходимлардан ҳам кўпроқ ҳақ олишмоқда. Масалан: бир ойда Сулаймонова деган ходимамиз 250 минг сўм, Сирбоева 300 минг сўм, Нурманова 350 минг сўмгача дебитор қарзларни ундириш эвазига 40-55 минг сўмдан ошиқ пул ишлаб олишди.

Жамоа шартномасида назарда тутилган масалалардан яна бири иш ҳақини ойига икки марта берилишини таъминлаш эди. Бу орада дебитор қарзларининг ундириш ҳисобига ўзларига пул ишлаб олиш имкониятларини яратиб бердик. Уларнинг баъзилари шу ерда ишлаётган ходимлардан ҳам кўпроқ ҳақ олишмоқда. Масалан: бир ойда Сулаймонова деган ходимамиз 250 минг сўм, Сирбоева 300 минг сўм, Нурманова 350 минг сўмгача дебитор қарзларни ундириш эвазига 40-55 минг сўмдан ошиқ пул ишлаб олишди.

Дилором АЛЛАКУЛОВА
«Ишонч» муҳбири.

Республика «ОРТОПЕДИЯ» очик ҳиссадорлик жамияти акциядорларининг 2002 йил 6 сентябрда белгиланган навбатдан ташқари мажлисини 11 сентябрда кўчириш ҳақидаги газетамизнинг 7 сентябр сонидан босилган хабар нотўғри деб топилсин.



ЮРТИМИЗДА ТЕННИС БАЙРАМИ

ёхуд Евгений Кафельниковнинг энг катта орзуси

Ўрин эгаллади. Жаҳоннинг кўплаб таниқли теннисчилари учун «Президент кубоги» маҳорат босқичига айланди. Россиялик Марат Сафин, буюк британиялик Тим Хенмен, германиялик Николас Кифер, Томми Хаас шулар жумласидандир. Айниқса, улар орасида Марат Сафини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Чунки у «Президент кубоги» баҳсларида ўзи учун жуда зарур бўлган очколарни кўлга киритмоқда. Шунингдек, бир вақтлар дунё теннис рейтингини бошқарган яна бир россиялик теннис юлдузи Евгений Кафельников ҳам «Президент кубо-

ги» баҳсларида мунтазам иштирок этиб келмоқда. Кўплаб турнирлар голиби бўлган Е.Кафельников Президентимиз қўлидан кубокни олишни ўзининг энг катта орзуси деб билди. Ўтган шанба оқшомида пойтахтимизнинг мухташам «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Президент кубоги» асосий баҳсларига қуръа ташлаш ва саралаш беллашувларининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимни Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шобадурраҳмонов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг сўзга чиққан турнир ташкилотчиси

Сассон Кашкури ва бошқалар йиғилганларни теннис байрами билан муборакбод этдилар. Тантанادا Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов ҳамда АТР супервайзери Томас Карлберглар ҳам иштирок этишди. Хуллас, «Юнусобод» кортида теннис байрами бошланди. Жаҳоннинг 20 дан ортик мамлакатларидан ташриф буюрган теннис усталари ўз маҳоратларини намойиш этиб, «Президент кубоги» учун кураш олиб бордилар.

Абдулхай ЮНУСОВ.



Ўзбек футболу - 90 ёшда

ИСТИҚБОЛГА БОҚҚАН НИГОҲЛАР

Ишга кетаётиб, тонг сахарданоқ кўча чангитиб тўп сураётган болакайларнинг сўзлари кулоғимга чалинди: — Гейнрихнинг штрафнойини кўрдингми? Нақ девяткага тушириб қўйди. — Зайниддин Тожиевнинг ошириб берган паси-чи! Ақопанга тўпга оёқ қўйишгина қолди. Ҳаммасидан ҳам болаларнинг ўз сўзларини хатти-ҳаракатлар билан намойиш этишга уринишлари завқли эди.

Зукко газетхонлар дарҳол тушуниб етишди: гап ўзбек футболининг 90 йиллиги муносабати билан Марказий «Пахтакор» стадионида бўлиб ўтган халқаро учрашув - Япония клублари ҳамда Ўзбекистон миллий терма жамоалари ўртасидаги ўйин ҳақида кетаётди. Мухлислар чиндан-да катта футболни соғиниб қолишган экан. Буни шу кунги ўйингоҳда биронта бўш ўриндиқ қолмаганидан ҳам билса бўлади. Қолаверса, одамлар тўқсон йил мобайнида босиб ўтилган шонли, айнаи вақтда мураккаб йўлни яна бир бор биргаликда назардан ўтказиш учун йиғилган эдилар.

Ўтган кунлар гоҳ қувонч, гоҳ армонли хўрсинишлар билан ёдга олинди. Уша 1912 йилда Қўқонда ташкил этилган илк учрашувлар, йиғирманчи йилларда тўзилган Муулмонлар командасининг ташвиқотчилик ҳаракатлари, 1934 йилда эса биринчи ўзбек футболчисининг иттифок терма жамоаси таркибидан жой олганлиги-ю, 1956 йилдан «Пахтакор» клубининг оёққа туриш онлари бошланганлиги, 1979 йилда юз берган авиаҳалокат оқибатида бутун бир бошли жамоадан айрилиб қолганларимиз, истиқлол йилларида футболимизга нечоғлик гамхўрлик ила муносабат билдирилаётганлиги - бари бир-бир санаб ўтилди, факрийлар ҳикояси чуқур ҳаяжон билан тингланди.

Лаазиз Максудов, Акмал Азизхўжаев, Геннадий Красницкий, Юрий Шеничкинов, Владимир Штерн, Олег Моторин, Биродар Абдураимов, Хамид Рахматуллаев, Тўлаган Исоқов, Константин Баканов, Владимир Фёдоров, Василий Хадзипаногис, Михаил Ан... Мухлисларга унутилмас лаҳзаларни тақдим этган азиз номлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Энг муҳими, афсонавий футболчиларнинг муносиб давомчилари бугун кўз ўнгимизда вояга етаётди. Миржалол Қосимов ҳақида қўп ва хўп гапирилган ва бундан буён ҳам гапирилажак. Александр Гейнрих, Зайниддин Тожиев, Леонид Кошелев, Сервер Желаров каби ёш ва умидли футболчиларимизга халитдан хориж жамоаларидан «совчи»лар келаятганининг ўзиёқ «миллионлар йўлини» юртимизда қай даражада тараққий топаётганини сўзсиз тасдиқлайди. Япония билан кечган ўйинда ҳам айнан ушбу «чарм тўп» усталари ўзларини кўрсатиши бежиз бўлмас керак.

Учрашув телевидение орқали тўғридан-тўғри олиб кўрсатилгани учун тафсилотларга тўхталиб ўтирмоқчи эмасмиз. Аммо матч 2:1 ҳисобида юртдошларимиз фойдасига ҳал бўлганлигини қайд этган ҳолда бир жиҳатни таъкидламай иложимиз йўқ. Япония футболининг 75 йиллиги нишонланган 1995 йилда ўша пайтда Осиё ўйинлари чемпиони бўлган Ўзбекистон терма командаси ушбу байрамга лутфан ташриф буюрган эди. Орадан етти йил ўтиб, мана биз ҳам сўнгги жаҳон чемпионати мезбонлари японларнинг жавоб визитига гувоҳлик қилдик.

«Пахтакор» стадионида бўлиб ўтган ўртоқлик учрашуви, айтиш жоизки, Осиё ўйинлари ҳамда Осиё чемпионлари кубоги учун баҳслар олдидан ўзига хос тайёргарлик босқичи вазифини ҳам ўтади. Халқаро учрашувлар эса, маълумки, ҳеч қачон исизис кетмайди. Футболимизнинг 90 йиллиги нишонланган ва нигоҳлар истиқболга боққан култур кунда фикр ва ниятларимиз тасдиғи сифатида яна бир ажойиб учрашув бўлиб ўтди. Махалла жамоалари баҳсларида энг яхши натижага эришган бухороли ва наманганлик ёш футболчилар майдонда ўзаро рўбарў келиб, ким кучли эканлигини аниқлаб олдилар. Асосий вақтда ўйин ҳисоби 1:1 ҳолида ниҳоят топти. Пенальтиларни бажаришда эса водийликларга омад кулиб бокди.

Орадан яна ўн йил ўтади ва биз, иншоллох, футболимизнинг бир асрлик тўйини янада кенг нишонлаймиз. Умид қиламизки, футболимиз ўша дамларга келиб бундан-да ривож топиб, жаҳон майдонига ўз ўрни ва мавқеига эга бўлади.

З.РИХСИЕВ.

Халқаро турнир кундалиги

КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

Мухташам «Юнусобод» теннис мажмуида «Президент кубоги» баҳслари қизгин паллага кирмоқда. Шунингдек, катта мажмуида бўлган кўплаб хамюртларимиз ҳам иштирок этишди. Бироқ бу учрашувлар теннисчиларимиз учун у қадар омадли кечмади. Жумладан, Д.Томашевич белоруссиялик В.Толчковга 6/0, 6/1 ҳисобида имкониятни бой берди. Д.Мазур финляндиялик Католога иккала сетда ҳам мағлубиятга учради: 6/2, 6/3. Қолган учрашувларда ҳам теннисчиларимизнинг ҳали таж-

рибаси етарли эмаслиги кўзга ташланди. М.Иноятов югославиялик Зимончикка (6/3, 6/4), М.Охунжонов россиялик Головановга (6/1, 6/1), А.Кокурин таиландлик теннис устаси Д.Юдомочкага (6/4, 6/2) имкониятни бой беришди. Иккинчи кунги баҳслар ҳам қизгин курашларга бой бўлди. Дастлаб кортта тушган Волчков — Беннета учрашувида белоруссиялик теннисчининг қўли банд келди: 6/3, 7/5. Финляндиялик Катола эса россиялик теннисчи Головановдан кучли эканини намойиш этди: 6/0, 6/1. Таиландлик Юдомочка эса француз «олтин тўп» устаси Георгий Гарраздан 7/6, 6/3 ҳисобида

мағлуб бўлди. Шундай қилиб, учрашувларда кучлилар сараланиб бормоқда. Саралаш беллашувлари голиблари асосий баҳсларга қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритадилар. Таъкидлаб ўтганимиздек, «Юнусобод» теннис мажмуида турнир беллашувлари билан бирга болалар байрами ўтказилмоқда. «Олтин тўп» илхосмандлари бўлган ўнлаб болажонлар турнир ташкилотчилари томонидан ташкиллаштирилаётган кичик мусобақаларда иштирок этиб, турли хил эсдалик совғаларига эга бўлишаётир.

Одил ЭРГАШЕВ, «Ишонч» муҳбири.

Танишинг: турнир иштирокчилари

ТОММИ ХААС

1978 йил 3 апрелда Германияда туғилган. Хозир Флорида (АҚШ)да яшайди. Бўйи — 187 см, вазни — 82 кг. Ўнг қўли билан ўйнайди. 1996 йилдан профессионал теннисчи. Фаолияти давомида, 2002 йил 26 августга 5.191.237 АҚШ доллари миқдорига маблағ ишлаган. АТР рейтингда энг юқори кўрсаткичи — 2 ўрин (2002 йил 13 май). 2002 йил 26 августга бўлган маълумотга кўра 8 ўринни банд этиб турибди.

Томми Хаас Мемфис (1999 йил), Аделаида, Лонг-Айленд, Вена, Штутгарт (2001 йил) турнирларининг голиби бўлган. 2002 йил Римдаги турнирда финалчи, Австралия очик чемпионати, Лос-Анжелес, Лонг-Айленд, Индианаполис турнирлари ярим финалчиси, 2001 йил Москва, Париж, Мемфис, Монреал турнирлари ярим финалчиси, 2000 йил Мюнхен, Вена турнирлари ва Сидней Олимпиадаси финалчиси, 1999 йил Окленд, Штутгарт турнирлари ва «Катта Дубулга» кубоги финалчиси.

Томми Хаас ўтган мавсумни кучли ўнликда якунлади. Германияда Хаас билан Киферга машҳур Борис Беккернинг издошлари деб қарашади. Сўнгги йилларда 24 ёшли Хаас ҳақиқатан ҳам катта мавсумда у АТРнинг тўртта турнирида голиб чиқди ва бир ярим миллион доллар маблағга эга бўлди. У бу йилги мавсумда ҳам ишончли ўйин кўрсатаётди.



«Универсиада — 2004»

САМАРҚАНД АЛОҲИДА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Кейинги йилларда соғлом турмуш тарзи ёшларнинг қалб эҳтиёжига айланиб бормоқда. Бугунги талабалар илм олиш билан бирга спорт билан мунтазам шугулланишмоқда. Уларнинг дарсдан бўш вақтлари спорт масканларида ўтаётгани кувончли, албатта. Бундан ташқари улар ўқув гуруҳлари, факультетлар мусобақалари фаол қатнашишади. Бу спортнинг оммавийлашиб бораётганидан далолатдир. Универсиада мусобақалари мактаб ўқувчилари ўртасидаги «Умид ниҳоллари» ҳамда коллежлар талабалари ўртасидаги «Баркамол авлод» ўйинларининг мантқиқий давоми десак янглишмаймиз. Ёшлар ўртасида бундай мусобақаларнинг босқичма-босқич, изчил ўтказилиши уларнинг энг иқтидорли, кучлиларини жаҳон спорт майдонларига олиб чиқишга хизмат қилади.


Универсиаданинг навбатдаги мусобақалари 2004 йил Самарқандда бўлиб ўтади. Бунга ҳозирданок тайёргарлик бошлаб юборилди. Наманган ва Бухоро универсиадалари тажрибаси чуқур ўрганилди. Вилоят ҳокимлиги махсус тайёргарлик дастурини ишлаб чиқди. Унга кўра Самарқандда янги спорт иншоотлари қурилди. Мажмуалари таъмирланди. Масалан, виллоят касабаси уюшмалари кенга-

ши раҳбарлиги ва ҳомийлигида «Делфин» сузиш мажмуаси бунёд этилмоқда. Шунингдек, барча олийгоҳларнинг спорт базалари янгича тус олади. Ётоқхоналар меҳмонларни қабул қилишга шай қилиб қўйилади. Бундан ташқари, «Универсиада — 2004» мусобақалари виллоятнинг Тойлоқ, Самарқанд, Пастдарғон, Жомбой туманларида ҳам ўтказилади. Умуман, тайёргарлик қизгин бошлаб юборилди. Шу жараёнда Самарқанд спорт тарихи музейини ташкил этиш, спорт фахрийлари билан учрашувлар ўтказиш, корхоналарда эсдалик буюмлар ишлаб чиқариш ҳам назарда тутилган.

Самарқандлик спортчи талабалар Универсиадага алоҳида тайёрланишмоқда. Чунки Наманган ва Бухородаги муваффақиятлар мустаҳкамланиши керак. Хусусан, самарқандликлар Наманганда мукофотга қўйилган машиналарнинг учтасини кўлга киритишганди.

Келгуси универсиада мусобақалари янгилик тарихисидан Германия, Италия, АҚШ, Франциядан талабаларни таклиф этиш мўлжалланган. Бу универсиада натижасини ошириш, ўзбек спортчи ёшларини жаҳонга танитиш имкониятини беради.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» муҳбири.



Спорт кишлоғимиз ёшларининг жони-дили. Шу бонис ҳам спорт клуби очилиши биланок Ойинкишлоқнинг 180 нафар навқирони унга аъзо бўлиш истагини билдирди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу клубнинг ташкил этилиши, моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши, виллоят ҳамда республикага танилишида таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма туман қўмитаси, Қалантаров номи 31-ўрта мактаб маъмуриятининг беқиёс хиссаси бор. Чунки тармоқ қўмитасида спорт жиҳозлари сотиб олишда беминнат саховат кўрсатган бўлса, илм маскани 50 ўринли спорт залидан фойдаланиш имкониятини яратиб берди. Клубимиз асосан таиландча бокс — муай-тай бўйича маҳоратли спортчилар тайёрлашга ихтисослашган. Машгулотлар катъий режа асосида олиб борилмоқда.

Этиборли жиҳати шуки, бадантарбия машқларидан аввал тарбияланувчиларимизни виллоят ва республикага танилишида таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма туман қўмитаси, Қалантаров номи 31-ўрта мактаб маъмуриятининг беқиёс хиссаси бор. Чунки тармоқ қўмитасида спорт жиҳозлари сотиб олишда беминнат саховат кўрсатган бўлса, илм маскани 50 ўринли спорт залидан фойдаланиш имкониятини яратиб берди. Клубимиз асосан таиландча бокс — муай-тай бўйича маҳоратли спортчилар тайёрлашга ихтисослашган. Машгулотлар катъий режа асосида олиб борилмоқда.

МУАЙ-ТАЙЧИЛАР УЯЛТИРИШМАЙДИ

публикамиз, қолаверса, жаҳон спортдаги янгиликлар билан таништирамиз, одоб-ахлоқ мавзусидаги мулоқотлар олиб борамиз. Бу эса ёшларимизнинг маънавий жиҳатдан ҳам баркамол бўлишларини таъминлайди. Дарвоқе, машгулотларимизда қишлоқ ёшларидан ташқари туман ички ишлар бўлимининг участка нозирлари, лицей талабалари ҳам иштирок этишмоқда. Спорт элларни элларга, дилларни дилларга боғловчи дўстлик кўпри-

Олис қишлоқ спорти

гидир. У туфайли юрт дунёга маълуму машҳур бўлади. Нокаутарлик демангу, тарбияланувчиларимиз кўлга киритаётган ютуқлар орқали қишлоғимизни бутун мамлакатимиз таниди. Тошкентда ўтказилган муай-тай бўйича мамлакат биринчилигида тўрт нафар вакилимиз ҳурмат шоҳсупасидан жой олди. Лочинбек Мирзаев, Сўхроб Одилов, Дамир Ражабовларга биринчи, Дилмурод Мирқомилловга эса учинчи ўрин насиб этди. Айнаи пайтда клубимиз моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун туман ҳокимлиги ёрдам қўлини чўзмоқда. Натижада «Ойим савдо ишлаб чиқариш» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Супермаркет» дўконининг бўш турган ер ости қаватидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Бу ерда стол

тенниси, кураш, шохморт ва шашка тўғрақларини очиб ниятимиз бор. Галабалар ҳали олдинда. Зеро, спорт клубимизнинг моҳир муайтайчилари халқаро майдонларда ҳам Ўзбекистонимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга шубҳа йўқ.

Санжарбек БЕГМАТОВ, Жалолқудук туманидаги «Қушбеги» спорт клуби раиси, республика муай-тай федерацияси йўриқчиси.

Тошкент виллояти қурилиш ва қурилиш ашёлари касабаси уюшма қўмитаси «Бекободцемент» ҳиссадорлик жамияти касабаси уюшма қўмитаси раиси Рихси РАҲМОНБЕРДИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH
Муассис:
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Ҳасулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топшириш - 22.55

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.